1 000 000 тонна „ОҚ ОЛТИН“ тайёр!

Азиз пахтакорлар, шавкатли механизаторлар! Фидойи меҳнатингиз туфайли дастлабки довондан ошдик. Аммо бебаҳо бойликнинг асосий қисми ҳали далада. Марварид чаноқлар сизга мунтазир. Кун сайин суръатга суръат қўшайлик. Ҳар дақиқадан, терим машинасидан, ишчи кучидан унумли фойдаланайлик. Мавсум байроқдорлари— Хоразм, Фарғона ва Сурхондарё заршуносларидан ўрнак олинг!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 22 сентябрь
ШАНБА
№ 217 (5.010).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

Пахтазорларни айланиб механизаторлар, теримчилар билан суҳбатлашсам яйраб кетаман. Ҳар бирлари ўзга олам. Бутун вужудларини оқ олтин ишқи қамраган. Айниқса бу йил далаларда ўзгача файз, шукуҳ, ҳумрон. Мавсум чақириқларсиз, дабдабаларсиз, шиорларсиз ўтаяпти. Ким билан фикрлашманг мажбурият албатта бажарилади, дейди.

Съездлар йилида улкан марраларни кўзлаяпмиз. Азамат деҳқонларимиз зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаб, 935 гектар ерда мўл ҳосил яратдилар. КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди тарихий ҳужжатлари муҳокамасига бағишланиб ўтказилган йиғилишда илғор бригада бошлиқлари ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказишни таклиф этдилар. Хўжалик бошқаруви, партия, касаба уюшмаси комитетлари хайрли ҳаракатни маъқулладилар. Ҳал қилувчи мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Моддий манфаатдорлик, деҳқон кайфиятига кўп нарса боғлиқ. 1989 йили пудрат туфайли асосий тармоқни ривожлантиришда илдам қадамлар қўйилди. Бир миллион 500 минг сўм соф фойда олинди. Колхозчилар чўнтаги пул кўрди. Улар айни кунларда садоқатларини амалда кўрсатишмоқда. Кун сайин суръатга суръат қўшилаяпти. Колхоз бўйича йиллик планнинг 4—5 проценти миқдорида дур топширишга эришаяпмиз. **Ана шу ютуқларимизда бизнинг дилкаш «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг ҳиссаси бор. Ғўза парваришн даврида деҳқонларимизга унинг саҳифаларида эълон қилинган мутахассислар маслаҳатлари ғоят қўл келди. Фан янгиликларини амалиётга жорий этдик. Натижада аксарият бригадаларда мўлжалдагидан ортиқ ҳосил яратилди. Шахсан ўзим «Қишлоқ ҳақиқати»да босилган атроф-муҳитни муҳофаза этиш, қишлоқ муаммоларн ҳамда Гдлян ва Ивановнинг қадоқ қўлли пахтакорлар бошига солган қора кунлар ҳаққоний акс эттирилган мақолаларни таъсирланиб ўқидим.**

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Фикримча, журналистлар ҳаёт қайнаган жойда, қайта қуриш меъморлари ҳузурида кўпроқ бўлишлари керак. Баъзида башанг кийиниб, эгат оралаётган хотин-қизлар суратини кўрсам тутоқиб кетаман. Ҳаётда шундай эмас-ку! Қишлоқларимизда муаммолар қалашиб ётибди. Одамларни ўйлантираётган, олға томон боришимизга тўғаноқ бўлаётган тўсиқларни кўра билиш даркор. Бир нарсага ҳайронман: баъзи хўжаликлар, кўзимиз ўрганиб, қолган, номдор шахслар рўзномаларда тез-тез кўринадилар. Мен меъёр масаласини унутмаслик керак, деган нуқтаи назардан гапираяпман. Ваҳоланки, умрини пахтачиликка, чорвачиликка, боғдорчиликка, умуман мўл-кўлчиликка бағишлаб, бирон маротаба газетада ёритилмаган ажойиб қаҳрамонлар жуда кўп. Қаламкашлар буни асло унутмасликларн керак. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда «Қишлоқ ҳақиқати»га колхозимиздан камида 700 киши обуна бўлади. Демак, ҳаддимиз сиғиб, юрагимизда борини дангал айтишга ҳақлимиз. Танқидий мақолалар ниҳоятда кўпайиб кетганлиги уларнинг аҳамиятини сусайтирди. Фикримизча, эътиборни ложи борича илғорлар тажрибасига, қайта қуриш ютуқларига қаратиш керак. Энди юқорида таъкидланган назарга тушмаган фидойилар ҳақида айтай...

Ёқубжон Усмонов — асл деҳқон фарзанди. Ёш бўлса-да мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган. Ўтган йили уни қолоқ бригада бошлиқ этиб тайинлагандик. Янглишмаган эканмиз, Ёқубжон ишчанлиги, омилкорлиги, муомала санъатини яхши эгаллаганлиги туфайли одамларни мақсад сари сафарбар эта олди. Бу йил у бошлиқ бригада режадаги 36 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтармоқчи. Йиғим-терим ишлари қизғин бораяпти. Зарбдорлар кунига йиллик планнинг 8—9 фоизи миқдорида пахта топширишмоқда. Ниятлари — 25 сентябргача ғалаба рапортига имзо чекиш. Цех партия ташкилотининг котиби Уммат Иброҳимов ишнинг муваффақиятини мафкуравий жиҳатдан таъминлаяпти. Кўпайсин Нишонова, Раъно Турғунова каби чеварлар кунига 200—230 килограммдан дур йиғиштиришяпти.

Акром Отатиллаев — олий маълумотли иқтисодчи. У сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши билади. Бошқаларга қараганда оғир шароитда иш юритади. Бироқ нолимайди. Ўтган йили бу тиниб-тинчимас қалб соҳиби етакчилигидаги бригада биринчи бўлиб маррага етганди. Съездлар йилида ҳам бўш келишмаяпти. Зоҳида Ғайбуллаева, Зулхумор Ғаниева каби чаққон қўллар шу кунгача қарийб 4 тоннадан пахта териб беришди. Суворийлар ўртасидаги мусобақада Эркинбой Ваҳобов пешқадам. У кунига пўлат этакдан 8—9 тоннадан дур тўкаяпти.

Бир вақтлар аҳоли зич жойлашганлигини баҳона қилиб, машина теримига етарли эътибор берилмасди. Ақл билан иш юритилса ҳар қандай шароитда ҳам яхши даромад қилиш мумкин. Сабоқлардан хулоса чиқариб 8 та агрегатни тўла унум билан ишлатаяпмиз. Пахтазорларда чинакам жасорат кўрсатаётган Одил Ражаббоев, Кўпайсин Ҳасанов каби механизаторларимиз ҳар бири кунига машинада 10 тоннадан пахта теришаяпти.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Тошпўлат Иброҳимовга ҳам меҳрим, ҳурматим бўлакча. Йигирма йилдан буён саркорлик қилиб, бир неча қолоқ бригадаларни илғорлар сафига олиб чиқди, лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Мураббий меҳнати муносиб қадрланаяпти. Тошпўлат ака Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг енгил автомашинаси билан мукофотланди.

Ўзим ҳам масъулиятни чуқур ҳис этишга, одамларни қўлимдан келганича қўллаб-қувватлашга, хайрли ҳаракатларини оммалаштиришга интилаяпман. Тадбирларни амалга оширишда колхоз партия комитетига, коммунистларга суяканман. Партком котиби Сидиқжон Юсуфжонов янгиликни тез илғайдиган, тўғри сўз, ҳамиша халқ ишига қайишадиган инсон. Унинг ғайрати туфайли йиғим-теримни тез ва соз ўтказишга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилаяпти. 14 та цех партия ташкилоти далада ишлаётганлар ўртасида оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда. 174 нафар КПСС аъзоси сўз ва шахсий ибрати билан мусобақага қизғин тус бераяпти.

Дала шийпонлари — оромгоҳларда долзарб мавзуларда суҳбатлар ўтказилаяпти, турли томошалар намойиш этилаяпти. Бу йил савдо, тиббий хизмат ҳам жонланди. Буларнинг ҳаммаси омма ғайрат-шижоатини оширишда муҳим омил бўлаяпти.

Раҳбар бўлиш осон эмас. У ҳамманинг кўз ўнгида. Юриш-туришинг, муомала муносабатинг, ҳатто кийинишингга эътибор қилишади. Мен ҳеч қачон ўзимни ажратиб кўрсатишга уринмайман. Иложи борича кўпроқ одамлар орасида бўлишга, ноз-неъмат бунёдкорларининг орзу-армонларини билишга ҳаракат қиламан. Муҳим масалаларни кўпчилик ақл-заковоти билан ҳал қилишга одатланганмиз. Шу ўринда бир мисол. Абдулла Мажидов бошлиқ бригадада иш орқага кетди. Баъзилар унинг ўрнига бошқа кишини тайинлаш керак, деган таклифни ўртага ташлашди. Шошилмадик. Кўпни кўрган отахонлар, тажрибакорлар билан фикрлашдик. Маълум бўлишича, оғзига кучи етмаган баъзи сафсатабозлар ошкоралиқни суистеъмол қилиб, муҳитни булғашган. Улар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Бригадада интизомни мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Ҳозирги кунда бу ерда ҳам ялпи сафарбарлик таъминланган. Йиғим-терим суръати ўсиб бораяпти. Агар масаланинг моҳиятига чуқур кириб бормай, Абдуллани вазифасидан бўшатганимизда катта ҳатоға йўл қўйган бўлардик. Ҳа, инсон тақдири устида гап кетар экан, юз марта ўйлаб бир кесиш керак!

Колхоз бошқаруви, касаба уюшмаси комитети Ўзбекистон ССР Президентининг кўрсатмаларини муваффақиятли бажаришга астойдил киришган. Шу кунгача меҳнатчиларга 40 та қорамол, 326 та қўй, кўплаб парранда сотилди. Шунингдек, 165 тонна хашак, 20 тонна сомон, 170 тонна ширали озуқа тарқатдик. Булар кишиларни руҳлантирмоқда. Қўлимда сўнгги маълумот. Мусобақа кун сайин қизғин тус олмоқда. Кеча Рислиғой Топилова, Дилором Болтабоева, Мукаррам Ўринова, Мукаррам Қодирова каби пахтазор юлдузлари 210—263 килограммдан бебаҳо дурдона йиғиштиришибди. Пахтанинг ҳар бир килограммига 25 тийиндан ҳақ тўланаяпти. Яхши ишлаётган ҳар бир колхозчи бир ойда ўрта ҳисобда 1.200 сўм олади. Демак, деҳқон орзулари ушалмоқда.

Хўжалигимизда пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам ривожланаяпти. Ўзимча фикр қиламан: пахтасидек оқ кўнгил, меҳнатсевар, ташаббускор азаматларимиз бор экан, ишимиз ҳамиша олға босаверади!

Муталжон РАҲМАТОВ,
Чортоқ районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

Боғот районидаги «Боғот» давлат хўжалиги пахтазорларида ҳозир 16 та зангори кема тўла қувват билан ишлатилмоқда. Уларнинг ёрдамида кунига 160 тонна оқ олтин саранжомланаяпти. Беллашувда Ўзбекистон ССР халқ депутати Қодир Аллаберганов бошлиқ бригада байроқдор. Бу жамоада биринчи теримдаёқ гектар ҳисобига 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Давлат хўжалиги директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Аҳмад Ҳасанов ва бригада саркори Қодир Аллаберганов. 2. Машина терими пайти.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



ПАХТАЗОРДАН ХАБАРЛАР

ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИНИНГ ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИ

Жарқўрғон тайёрлов пункти ходимлари янги пахта ҳосилининг дастлабки бир неча юз тоннасини қабул қилиб олдилар.

Жамоа бу йилги мавсумга яхши тайёргарлик кўрди. Пахта уйиладиган майдонларга янгитдан асфальт ётқизилди, 25 та транспортёр, бешта пахта юклагич, тарозилар созлаб қўйилган. Лабораторияга хом ашё сифатларини аниқлайдиган янги асбоблар келтирилди. Бу ерда асосий эътибор техника хавфсизлигини ва ёнгинга қарши хавсизликни таъминлашга қаратилди.

— Жуда сифатли пахта келяпти, — дейди тайёрлов пунктининг катта товаршуноси У. Холиёров. — Ҳозирнинг ўзидаёқ етти юз тоннадан кўпроқ пахта қабул қилдик. Бу йил жами 20 минг тонна пахта учун жой тайёрлаб қўйганмиз.

МАШИНАГА ТАЯНИБ

Андижон вилоятидаги «Савай» совхозида терим мавсумини биринчи бўлиб механизаторлар Ш. Носиров билан М. Шамсутдинов бошлаб беришди. Бу ерда ҳеч қачон машиналар далага бу қадар барвақт олиб чиқилмаган эди.

Об-ҳаво вилоятнинг шимолий иқлим зонасида жойлашган совхоз жамоаси учун кўпинча ноқулайликлар келтирарди. Деҳқонлар бундан яхши хулоса чиқариб олдилар. Бу йил улар ҳосилни эрта етиштириш учун тер тўкиб меҳнат қилдилар. Албатта, бу йилги қулай об-ҳаво шаронти ҳам катта роль ўйнади, лекин асосийси, ҳар қалай, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш бўлди. Пудратчилар бу қоидаларга риоладагидек амал қилдилар. Ҳозир хўжаликда ғўза баргини тўктириш тўғалланган, бурилиш йўлкаларн тайёрланган, терим учун зарур барча техника созлаб қўйилган. Ҳадемай барча машиналар далага чиқади.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПМОҚДА

Орзиқиб кутган кунларга етишдик. Деҳқон йил бўйи қилган самарали меҳнатини тарозига қўядиган вақт келди. Бугунга қадар ғўза қатор ораларига бунча ишлов бердик ёки мана бунча озиқлантирдик деб юрганлар билан сарҳисоб қилинади. Пахтаериш ва давлатга топшириш бошлаб юборилганига анча кун бўлди. Баъзи илғор бригадалар зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам бажариш арафасида туришибди.

Мен қарийб ўттиз йилдирки, дала кезаман. Замин билан тиллашиб, мўл ҳосил олиш йўлини ахтараман, янги иш услубларини қўллайман. Баъзан у ўзини оқламай қолади. Бригадирнинг хатоси сабабли план бажарилса-да, мажбурият уддаланмай қолади. Ёки бригада ишчиларининг даромадига путур етади.

1971 йилда Тошкент вилоятидан кўчиб келдик. У ёқда ҳам йигирма йил яшадик. Шу йиллар мобайнида пахтани тез ва соз саранжомлаб олиш йўлларини ўргандик. Бу тажрибалар энди қўл келмоқда. Айниқса, бригадага қарашли ер майдонларини одамларга бўлиб бериш яхши самара берди. Биз бундан 16—17 йил илгари бригадага қарашли майдонларни ишчиларимизга, имконига қараб бўлиб берган эдик. Мана бугун ўша иш услубларимиз бригада, ижара пудрати тусини олди. Ҳозир биз бригада пудрати усулида иш юритаяпмиз. Ҳар йили зиммага олган мажбуриятларимизни бажараяпмиз. Умуман, режамиз бажарилмаган йил йўқ. Биргина мисол, ўтган хўжалик йили деҳқонлар учун эмас, чорвадору соҳибкорлар учун ҳам табиий офат зарар келтирган йил бўлди. Май ойи арафасидаги совуқ ғўзани ҳам, мевали дарахтларни ҳам уриб кетди. Бу зарарни ҳисоблаб охирига етиш қийин. Лекин биз 85 гектар майдондаги ғўзанинг бирон гектарини ҳам бузганимиз йўқ. Мавжуд майдондаги ниҳолларга дарҳол ишлов бериш ва суғориш йўли билан кўчатларни сақлаб қолдик. Ўтган йили вилоят бўйича ингичка толали пахта қарийб етиштирилмади. Тадбиркорлик билан иш юритганлигимиз туфайл гектаридан режадаги 25 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлдик. Ипак пахта кони фойда эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Йил якунида ишчиларимиз талайгина қўшимча даромад қилишди. Механизаторларимиз ойига 700—800 сўмдан маош олишди. Сувчи ва ишчиларники 500—600 сўмдан кам бўлмади. Бундай маош олган ишчи ўзига қарашли майдонда бегона ўт бўлишига йўл қўярмиди? Ўтган йилдан бошлаб пахтага тўланадиган ҳақнинг ошиши кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириб юборди. Тўғриси, теримчиларни пайкалдан олиб чиқиш ҳам қийин бўлди. Илгарилари эса терим мавсумининг асосий юки талаба ва ўқувчи зиммасига тушарди. Жорий йилда бир килограмм пахтага 25 тийиндан тўланиши деҳқон меҳнатининг қадрланганидан далолат беради.

Бу йил 50 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Режа гектаридан 25 центнер. Ҳосилни чамалаб кўриб, гектаридан камида 40 центнердан хирмон кўтарамиз, деб турибмиз. Куз яхши келса, ниятларимиз, албатта, рўёбга чиқади. Бу йил ҳам «Термиз-16» навли ингичка толали пахта етиштирдик. Шу боис ғўзанинг баргини сунъий тўктириш учун 15 сентябрдан киришдик. 23 сентябрда машина теримига киришмоқчимиз. Ҳосилнинг 95 фоизини машиналар ёрдамида териб олишга умид боғлаб турибмиз. Маълумки, машинанинг унумли ишлаши учун, биринчидан, пайкалда бегона ўт бўлмаслиги, иккинчидан, ғўзаларнинг барги яхши тўкилган бўлиши шарт. Биз бунга албатта эришамиз. Ҳар йили ҳам режамизни биринчи теримдаёқ бажариб келаяпмиз. Бу йил ҳам шундай бўлади, иккинчи терим билан эса мажбуриятни бажарамиз. Шундан кейин ҳам пайкалдаги ҳосил кўпга ўхшаб кўринади. Лекин уни учинчи навга ҳам сотиш маҳол. Бироқ у ҳам ерда қолмайди, уни планини бажармаган бригадалар териб олишади. Майлида, қандай бўлмасин планни бажариш керак. Лекин учинчи ва тўртинчи нав пахта билан режани бажаришнинг нафи кам. Бу нақд даромадни елга совуриш билан тенг.

Ҳозир Ражаб Олимова, Норсулув Жалилова, Ойдин Раҳмонова, Муяссар Жалилова каби теримчиларнинг ҳар бири 130—140 килограммдан жавоҳир теришяпти. Зариф Одилов, Муродулла Расулов, Қўлдош Ҳамроев сингари тажрибали техника жиловдорлари ўрта толали майдонларнинг ҳосилини йиғиштириб олишаётган бўлса, эрта-индин ипак пахта теримини ҳам бошлаб юборадилар. 50 гектар майдондаги ҳосилни узоғи билан бир ҳафтада саранжомлаймиз. Пайкалларнинг атрофи тозаланиб, терим машиналарининг қайтадиган майдонлари ҳозирлаб қўйилди.

С. АВАЗОВ,
Ульянов районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ОЛТИНКЎЛ ПАХТАЗОРЛАРИДА

Олтин куз. Бу фаслда ҳаёт булоқдай қайнайди. Ёшу қари — ҳамма пахта тергани кўчиб чиқади. Зангори кемаларнинг оқ олтин денгизида сузиб юришларини айтмайсизми? Шундай қисталанг, долзарб паллада юрагида ўти, билагида кучи бор киши томошабин бўлиб четда туриши инсофдан эмас. Бир йиллик емоқ-ичмоғимиз, оиламизнинг ризқи, дастурхонимизнинг тўкинлиги пахтанинг шарофати туфайли эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Калинин номли жамоа хўжалигининг Муҳаммаджон Эргашев, «Октябрь» жамоа хўжалигининг Рўзибой Дарвешев, «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг Жўрабой Умаров, «Олтинкўл» жамоа хўжалигининг Йўлдошбой Жўраев, «Коммуна» жамоа хўжалигининг Асалхон Расулова, Ленин номли жамоа хўжалигининг Қаҳрамон Сатторов бошлиқ бригадаларида терим суръати юқори. Бу жамоаларда кунига йиллик режага нисбатан 5—6, ҳатто 8 фоиз миқдорида пахта топширилмоқда. «Коммуна» жамоа хўжалигидан Саидахон Ҳамдамова, Куйбишев жамоа хўжалигидан Мақсудахон Хўжахонова, «Октябрь» жамоа хўжалигидан Икромжон Бўронов бошлиқ ва бошқа оилавий звеналар эса биринчи теримдаёқ шартномада белгиланган режаларни бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига хом ашё тайёрлаётирлар. Бу илғорлар ҳосилдорликни гектар бошига 40—45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Ғалаба рапортига районда биринчи бўлиб имзо чеккан «Октябрь» жамоа хўжалигининг пудратчиси Икромжон Бўронов бундай деди:

— Ҳозиргача 4 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнер хирмон уйдик. Бу кўрсаткичи албатта 45 центнерга етказамиз!

— Шунга яраша ҳосил борми далада?

— Мўлжалдагидан ошади, — жавоб берди суҳбатдошимиз. — Ҳар йилнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади. Деҳқоннинг миришкорлиги шундаки, у йилнинг табиатига қараб иш тутади. Деҳқончиликнинг ҳисоб-китоби бор, деганлари шу-да.

Жорий йилда район хўжаликларида ялпи ҳосилнинг 60 фоизи зангори кемалар ёрдамида териб олинади. Шу мақсадда 5725 гектар ердаги ғўза жадал баргсизлантирилмоқда. 128 та агрегат дала бошида шай турибди. Қатор бригадаларда эса машина терими аллақачон бошлаб юборилган.

Ҳаракатда — баракат. Илғор пудратчи звенолардан кетма-кет пахта тайёрлаш режаларини ошириб бажарганликлари ҳақидаги рапортлар келаяпти. Пешқадам бригадалар эса бугун-эрта зафар маррасини эгаллашга ҳозирлик кўришаяпти.

— Жумҳурият ҳукумати қўлда терилган бир килограмм пахтага 25 тийиндан ҳақ тўлашни тавсия этди, — деди Куйбишев номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати Тоҳиржон Режанов. — Бу катта ғамхўрлик. Бироқ мана шу манфаатдорликдан келиб чиқадиган бир зарарнинг олдини олишимиз керак. Табиийки, 25 тийиндан ҳақ тўланадиган бўлса, ҳар теримчи кўпроқ пахта теришга интилади. Лекин хом ашёнинг намлик ва ифлослик даражаси ортишига йўл қўймаслик лозим.

Қатор хўжаликларда иш шу асосда ташкил этилганлиги туфайли суръат ошмоқда, пахта аъло навга сотилаяпти. Бироқ «Партия XXI съезди» жамоа хўжалигида 776 нафар ўрнига 590 нафар одам теримда қатнашмоқда, холос. Уларнинг иш унуми ҳам паст. Бундай ачинарли аҳволни Навоий номли, «Коммунизм» жамоа хўжаликларида ҳам учратиш мумкин.

Муҳими — лафзи ҳалол деҳқон марра томон интилаяпти. Довонлар кетидан довонлар ошилмоқда. Юзлаб кўпмингкилограммчилар миллионлаб-миллионлаб, грамм-граммлаб, тонна-тонналаб оқ олтин териб, катта хирмонга ўз улушларини қўшмоқдалар. Олтинкўл районининг 32 минг тонна пахтаси учун кураш тобора авж олмоқда.

Қ. МАҲКАМОВ.

СССР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИДА

СССР Министрлар Кенгашининг СССР Президенти топшириғига биноан тузилган оператив гуруҳи аҳолини ун, ёрма, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволини кўриб чиқди. Ана шу маҳсулотларнинг бир қанча турларини хориждан қўшимча харид қилиш имкониятлари қидириб топилди, бундай маҳсулотларни сотишда юз берган кескинликни бартараф этиш юзасидан бошқа аниқ чоралар белгиланди.

Жумладан, мамлакатга ана шундай миқдорда ун етказиб бериш нон тайёрлаш эҳтиёжларини тўла таъминлайди. Чет элдан гуруч сотиб олиш эса мазкур муҳим озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишни нормал изга солишга имкон беради.

Харид қилинган чой барги ва қадоқланган чойни келтиришни тезлаштириш чоралари белгиланди, натижада савдо тармоқларида чой сотиш йил охиригача деярли 25 фоиз кўпаяди.

Мазкур маҳсулотларни мамлакатга келтиришнинг аниқ графиги тузилди. Бу графикни бажаришни назорат қилиб бориш ва бунинг учун шахсий жавобгарлик СССР Министрлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясига, СССР Савдо министрлигига ва СССР денгиз флотига юклатилди.

СЪЕЗДДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ҚАЛБЛАРГА ҚЎР ТАШЛАБ

Қайта қуриш ўн йилликлар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни очиб ташлади. У жамиятда партиянинг ўрни масаласини, иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий ҳаётни демократиялаш жараёнини кучайтиришни, Совет федерациясини такомиллаштириш, бозор иқтисодиётини жорий этишдек масалаларни кун тартибига тобора кескин қилиб қўймоқда.

Халқ КПСС XXVIII съездидан ана шу муаммоларга ечим кутиб, унга катта умид билан қаради. Съезд партия тақдирида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларни — коммунистик келажак учун жипслашиш, жамиятни иқтисодий танглиқдан олиб чиқиш, халқнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш йўлларини кўрсатиб берди. Биз олдинга дадил интилишнинг бирданбир йўли партия қўйган қарорларни амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида иш юритиб, истиқбол вазифаларини оғишмай рўёбга чиқара боришда деб биламиз.

Янгиланиш сари ҳаракатни иш услубларини ўзгартиришдан, маъқулларини танлаб олишдан бошладик. Омма орасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтириб юборилди. Асосий эътибор тарбиянга қаратилди.

Қайта қуришнинг бошланиши билан кишиларимиз уч тоифага бўлиниб қолдилар. Биринчилари ўз ишларида бурилиш ясаган ҳолда дадил олга бораётирлар. Бу тоифа одамлар мустақил, ижодий ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилишларига йўл очиб берилса бас. Иккинчи тоифадагилар қайта қуриш тарафдорлари-ку, иш услуби ва усулларини ўзгартиришда ҳамда янгиланиш жараёнидаги ўз ўринларини топиб олишда қийинчиликларга учраётганлардир. Бундайларга сидқидилдан ёрдам кўрсатилмоқда.

Учинчи тоифадагилар эса қайта қуришни яхши тушунмаётган ёки тушунишни хоҳламай, эскича ишлаш тарафдорлари бўлиб қолаётганлардир. Бундай кишилар ўртасида чуқур тушунтиришлар олиб бориб, ҳаётни тўғри англашларига кўмаклашдик.

Маълумки, партиянинг XXVIII съездида тасдиқланган КПСС уставида бошланғич партия ташкилотларига катта мустақилликлар берилди. Барча бўғинлардаги шароит, вазифа ва мақсадларни ҳисобга олиб, съезд қарорларини бажариш юзасидан ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилди. Ўз фаолиятимизни такомиллаштира бориб, бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгашининг низомини туздик, унинг таркибини шакллантирдик. Ҳозир кенгаш партиянинг қуйи бўғинлари фаолиятига доир ташкилий, молиявий масалаларни ишчанлик билан ҳал этаётир. Асосий мақсад аъзолик бадаллари хусусида маҳаллий эгоизмга йўл қўймаслик ва адолат принципларига амал қилишдан иборат. Буни партиявий ўз-ўзини бошқаришнинг биринчи куртаклари деб ҳисоблаймиз.

Район партия комитети маҳкамаси бирмунча ихчамлаштирилиб, ўн уч кишига келтирилди, иш қоғозлари эса 50 фоиз қисқартирилди. Жорий ишларни изма-из назорат қилиб боришга барҳам бериш, расмиятчилик учун ўтказиладиган бесамара тадбирларни тугатиш орқали бунга эришдик. Натижада райком ходимлари аҳоли кўтариб чиқаётган муаммолар, коммунистлар ва бошланғич партия ташкилотларида сиёсий, маънавий-психологик вазият, кадрлар, жумладан советлар ва хўжалик ташкилотларидаги коммунист кадрларнинг сиёсий даражаси, ҳаётий позициясини ўрганиш билан шуғулланишга кўпроқ вақт топадиган бўлдилар.

Партия маҳкамаси асосан райком учун ахборот-таҳлил, тахмин-социологик ва маслаҳат хизматини кўрсатмоқда. Кейинги даврда ўтказилган иккинчи пленум ва учта бюро мажлиси қарорлари меҳнаткашлар орасида кўплаб саволларни ўз ичига олган анкеталари тарқатиб, жавобларнинг таҳлили асосида жорий ва истиқбол вазифалари аниқ белгиланган, қабул қилинди. Бу усул ҳаётнинг томир уриб туришини доимо сезиб олиш, партиявий ишни тўғри режалаштириш, ибратли тажрибаларни таққослаш имконини беради. Амалий ишнинг янги шакл ва усулларини такомиллаштиришда, партия ички турмушини янгилашда бундай социологик тадқиқотларнинг ўрни катта бўлаётир.

КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида «Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиш имкониятини таъминлашни партия ўзининг мақсади деб билади» дейилган. Биз учун энг муҳими — одамларнинг кайфиятини, дунёқарашлари, уларнинг қандай турмуш кечириб, нима ташвиш билан яшаётганлигини яқиндан ўрганиш ва шунга қараб энг долзарб вазифаларни белгилаш, бу вазифаларни амалга ошириш йўлларини топиш ва шу асосда совет, хўжалик, жамоат ташкилотлари фаолиятини улардаги коммунистлар орқали йўналтиришдан иборатдир.

Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий қарашларни янгича англаб олдинга бормоқдамиз. Айниқса ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш борасида белгиланган режаларни ошириб бажаришни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш ўзининг самарали натижаларини кўрсатди. Кейинги йилларда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича режалар ошириб бажарилаётир. Дон маҳсулотлари комбинати ишга туширилиши билан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 122 миллион сўмга етказилди. Иккита янги қурилиш ташкилоти тузилди, олдинги йилларга нисбатан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Оналар ва болалар санаторийси кенгайтирилиб, ундаги ўринни 120 тадан 500 тага етказиш учун қурилиш олиб борилмоқда.

Хўжаликларда 1.486 гектар янги боғлар, узумзорлар барпо этилди. Аввалги йилларда ўтқазилган мевали дарахтлардан эса дастлабки ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Меваларни, эртанги сабзавот, полиз маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари фойдаланишга топширилди. Бу аҳолини доимий равишда иш, қишин-ёзин озиқ-овқат билан таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда КПСС қайта қуриш, янгиланиш жараёнида ўз ўрнини топиши, амалий ҳаракатларда авангардлик мавқеини бериб қўймаслиги ниҳоятда зарур. Партия янгил фикрларнинг, яъни маслакдошларнинг уюшмаси экан, у ўзининг ҳақиқий том маъноси ва мазмуни билан шундай бўлиб қолиши керак.

Лекин амалда-чи? Очиғини айтадиган бўлсак, КПСС ўзининг маслакдошлар уюшмаси, ғоявий янгил кишиларнинг иттифоқи эканлигини кўрсата олмаяпти. Мен КПССнинг ўзида вужудга келаётган турли ҳаракатларни назарда тутаяпман. Съездда нафақат фикрлар хилма-хиллиги, балки ҳаракатлар, мақсадлар ҳар хиллиги тўғрисида гап юритилди. Буни ўз номи билан айтадиган бўлсак, КПССда турли оқимлар, гуруҳлар пайдо бўлаяпти.

Лекин буни кўп партиялилик билан аралаштириб юбормаслик керак. Кўп партиялилик масаласи мураккаб, кўп маъноли. У турли фикр-мулоҳазаларни уйғотмоқда. Ўйлашимча, бунга конкрет ёндашиш керак. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, яъни Советларнинг дастлабки Бутунроссия съездлари таркиби кўп партияли эди. Уларда мунозара, чинакам сиёсий кураш борганди.

Биз қонунчилик доирасида ҳаракат қилувчи ва социализм позициясида турувчи барча ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз. Улар ўз куч-ҳаракатларини меҳнаткашларнинг иқтисодий, ижтимоий аҳволини яхшилашга йўналтисалар, долзарб муаммоларни ҳал қилишга ёрдамлашсалар, биз бундай хайрли ишларни олқишлаймиз. Жумҳориятимизнинг турли минтақаларида сўнги пайтларда рўй берган кўнгилсиз воқеалар вилоят, район партия комитетлари котибларини, умуман, коммунистларни синовлардан ўтказмоқда. Уларни бартараф этиш чораларини вазминлик билан ишлаб чиқмоқдамиз. Бунда энг аввало ҳар бир инсондан ақл-заковат билан иш тутиш, ҳар хил миш-мишларга берилмаслик талаб қилинади.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Эрта баҳорда гўзалар текис униб чиқиб, ривожланаётган бир пайтда «Учқўрғон» давлат хўжалигида табиий офат юз берди. Жуда катта пахта майдонларида қатқалоқ ҳосил бўлди. Барча хўжаликлар ёрдамида офатни бартараф этдик. Ишлар бир маромда кетаётгандек эди. Лекин 9 июль куни ёққан қаттиқ ёмғир дўл ва селга айланиб, яна «Учқўрғон» давлат, «Андижон» жамоа хўжаликларига катта талофат етказди. Кўплаб қишилар бошпанасиз қолдилар.

Бу сафар биз ҳеч кимдан ёрдам сўрамадик. Чунки ҳамма ерда иш тиғиз, ҳар кимнинг юки ўзига етарли эди. Район радиоси ва рўзномаси орқали содир бўлган воқеа аҳолига рўй-рост айтилди. Агар ҳолат тезда тузатилмаса, кўриладиган иқтисодий зарар фақат районда эмас, балки жумҳурият, ҳатто Иттифоқ миқёсида қандай оқибатларга олиб келиши тушунтирилди. Ўзаро ёрдам, муросага доир миллий урф-одатларимиз эслатиб ўтилди. Натижа ёмон бўлмади, меҳнатга яроқли барча аҳоли ёрдамга келди. Энг муҳими — ўша кунларда Ўш воқеаларидан сўнг миллий масалалар ниҳоятда тиғиз бўлиб турганига қарамай, қўшни Қирғизистоннинг Ленин районидаги «Интимоқ». давлат, Карл Маркс номли жамоа, Жангижул районидаги «Қизил жар» давлат хўжаликларидан ёрдамчилар техника билан етиб келишди. Табиий офат оқибатлари бартараф этилди. Бунга буйруқбозлик, асаббузарликсиз эришилганини таъкидламоқчиман.

Демак, биз вужудга келган ҳолатни аҳолига тушунтириб, жамоалар ўртасида якдиллик туйғусини қўзғай олибмиз, софдил кишиларнинг қалбига қўр ташлабмиз. Зотан, онг ва қалбларга таъсир кўрсатиш орқали одамларни бирлаштириш партиявий ишнинг асосий жиҳатидир.

Тўғри, баъзи ҳолларда мустақилликни бепарволик, беғамлик билан алмаштириб қўяётганлар ҳам топилаяпти. Бунда ҳам маҳаллий радио, район рўзномаси қўл келаяпти. Мутахассислар билан журналистлар, ишчи-қишлоқ мухбирларининг биргаликдаги чиқишлари, рейдлар ташкил этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали кенг ошкоралик таъминланаяпти. Натижада рўзномада босилган танқид районга тарқалиб, жойларда ишлаб чиқиляпти. Мақолада келтирилган танқидий фикрлардан одамлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмоқдалар. Меҳнаткашларда масъулият ортиб, ўзларига ва ён-атрофларида меҳнат қилаётганларга нисбатан талабчан бўлиб боришаяпти.

Район партия комитети қатъият билан иш олиб бораётган жабҳалар оз эмас. Аввало, ишчи ўринларининг қисқариши туфайли ишсизлар сафи кенгайиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Биз барча хўжаликларда ёрдамчи корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор бераётирмиз.

Кексаларимиз умрини узайтириш, уруш ва меҳнат ветеранларининг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида 60 ўринли санаторий-профилакторий очилаяпти. Бу бинода қарияларимиз ҳақиқий дам оладилар, даволанадилар. Бу шифохона хушманзара Норин дарёсининг шундайгина бўйида жойлашган.

Учинчи муаммо халқ истеъмоли молларини кўпайтириб боришдир. Бугунги кунда 251 хил буюм ишлаб чиқарилаяпти. Унинг турини янада кўпайтириш учун қатъий иш олиб бормоқдамиз.

Бу тадбирлар тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга, меҳнат жамоалари, истиқомат жойларидаги маънавий-руҳий иқлимни мўътадиллаштиришга кўмаклашаяпти.

К. РАИМЖОНОВ,
Учқўрғон район партия комитетининг биринчи котиби, КПСС XXVIII съезди делегати, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Наманган районидаги «Қизил байроқ» жамоа хўжалигида 20 гектар анжирзорнинг асосий қисми онлалар тасарруфидадир. Бошқарув боғбонларга шароит яратиш мақсадида жорий йилда маҳсулотни қайта ишлаш цехи барпо этди. Бу ерда мева мураббоси тайёрланмоқда.

СУРАТДА: цех ходимаси Тиллахон Йўлдошева ижарачи Ҳабибулла ота Тошбоев етиштирган анжирни қабул қилиб олаяпти.

А. КОВТУН олган сурат.

БУВАЙДА ЯНГИЛИКЛАРИ

БОҒЛАР БОЛИ

Ўзбекистон районидаги «Ўзбекистон» боғдорчилик-узумчилик совхози ишчилари катта муваффақиятга эришдилар. Давлатга 1586 тонна хўл мева сотилиб, бу борадаги йиллик режа ошиғи билан уддаланди. Аҳмадали Раҳмонов, Олимжон Толипов, Қосимжон Сайдалиев, Мухторали Умаровлар бошлиқ ижарачи бригадаларда баракали ҳосил етиштирилди. Хўжалик соҳибкорлари режага қўшимча 300 тонна хўл мева сотишга аҳд қилдилар.

Токзорларда ҳам иш қизғин. Кунига 35—40 тонна узум йиғиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилаяпти. Бу йил 1400 тонна ширин-шакар неъмат етиштириш кўзда тутилмоқда.

ХОНАДОНГА МАДАД

Калинин номли жамоа хўжалигида қурилган янги гишт заводи маҳсулот бера бошлади. Уни колхозчилар ўз кучлари билан бунёд этдилар. Ҳозир бу ерда 46 киши меҳнат қилмоқда. Заводда йилига бир миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқарилади. Бу якка тартибда уй қураётганлар учун катта қулайлиқдир. Улар ободонлаштирилишдан, гиштни арзон нархда сотиб олиш имкониятига эга бўлишди.

ИЖАРА ВА САМАРА

Шу хўжалик ижарачиси Мирзачўли Боқиев қарамоғидаги қорамоллар сони 100 тага етди. У ўтган йилнинг ноябрь ойида район матлубот жамияти уюшмаси билан шартнома тузган эди. Шунга мувофиқ ижарачига молхона учун бино ажратилди. Ут ва ем берилмоқда. Ижарачилар ҳозиргача район умумий овқатланиш корхонасига 5 минг 600 килограмм семиз гўшт топширдилар. Йил охиригача бу миқдор янада кўпаяди. Ижарачи М. Боқиевга ўғилларидан Мансур, Мақсудали ва Тўланбойлар яқиндан кўмак беришаяпти.

З. СУЛТОНОВ.

ИЖАРАЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхозда бу йил ижарачи Абдусаттор Эгамов маккажўхоридан энг мўл ҳосил етиштирди. У ўз ўртоқлари билан биргаликда совхоздан ижарага олган тўққиз гектар ернинг ҳар гектаридан 52 центнер дон олди. Бу эса шартномада кўзда тутилганидан 5 центнер кўп. Бундан ташқари ҳар гектар ердан 500 центнердан кўкпоя олинди.

Барча агротехника усулларининг ўз вақтида ўтказилиши, мутахассисларнинг тавсияларини аниқ бажариш ва, энг муҳими, эгалик туйғусининг тикланиши маккажўхорикорлар муваффақиятининг гаровн бўлди.

Ҳозир ижарачи ҳосил йиғиштириб олинган ерларга такроран бир йиллик ўт экишга тайёргарлик кўрмоқда.

Шаҳрисабз районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги соҳибкорлари бу йил мўл узум етиштирдилар. Улар эл дастурхонига 750 тонна ширин-шакар неъмат ҳадя этишмоқчи.

СУРАТДА: илғор боғбон Дилафрўз Қудратова.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ ЖАБҲАСИДА

МЕХАНИЗАТОРЛАР СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚУШИШМОҚДА

«Москва» совхозида машиналар ишга туширилганидан кейин пахта тайёрлаш суръатининг кунлик ўсиши бир йўла уч фоиздан кўпроқ ошди. Энди жамоа давлат хирмонига ҳар куни йиллик планнинг 5,5 фоизи миқдорида пахта топширмоқда.

Пахта терадиган 30 та машинанинг ҳаммаси далага чиқди. Улар ёрдамида совхозда далалардан 2900 тонна пахта терib олишни мўлжаллашмоқда. Янги мажбуриятда эса давлатга камида 4 минг тонна оқ олтин топшириш кўзда тутилган, шундан 1100 тоннаси планга қўшимча равишда топширилади.

Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози, «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» ва «Қорақалпоғистон АССР 50 йиллиги» совхозлари меҳнаткашлари ҳам оммавий пахта теримига киришдилар. Райондаги мавжуд 270 та пахта териш агрегатининг 200 тадан-кўпроғи ишга солинди.

Механизаторлар орасида ҳозирнинг ўзидаёқ пешқадамлар маълум бўлди, уларнинг кунлик иш унуми 12 тоннага етди. Булар «Москва» совхозидан А. Сатимов билан Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли совхоздан М. Оқназаровлардир. Улар мавсум бошидан буён ўз машиналари билан 110 тоннадан пахта тердилар.

СЕЯЛКАЛАР ДАЛАГА ЧИҚДИ

Боғот райони деҳқонлари кузги буғдой экишга киришдилар. Бу йил районда минг гектардан кўпроқ ерга кузги буғдой экилади.

Кузги буғдойни экиш учун маккажўхоридан бўшаган ерлар ажратилмоқда. Деҳқонлар вақтни ғанимат билиб ерни тозалаб, шудгор қилишаяпти, кейин эса далага сеялкаларни олиб чиқишмоқда.

Наримонов номли, Калинин номли, Дўсов номли колхозларда ва бошқа хўжаликларда бирор гектар ҳам ерни бўш қолдирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Бинобарин, эрта баҳорда чорвадорлар қорамол учун хашак ўриб олишади. Бу эса бир неча центнер қўшимча гўшт ва тонналаб қўшимча сут олиш имконини беради.

СУТ СОҒИБ ОЛИШ КЎПАЙМОҚДА

Сурхондарё областидаги «Шарқ юлдузи» совхозида ферма жамоаси пудратга ўтиши муносабати билан сигирлар маҳсулдорлиги кескин ошди.

Ҳозир сут соғувчилар ҳар бир сигирдан кунига саккиз килограмм ва ундан ҳам кўпроқ сут олишмоқда. Молларни боқиш ва парваришлаш яхшиланди. Ем-хашак тайёрловчи бригадалар эса жамоа подасини қишлов даври учун ҳам озуқа билан тўла таъминлади.

Натижада чорвадорлар кўп йиллардан буён биринчи марта тўққиз ойлик топшириқни муддатидан олдин бажардилар. Қабул пунктига хўжаликдан қариб 375 тонна сут топширилди.

Сут соғувчилар М. Махсумова, М. Каримова, Р. Одинаева ва бошқалар жамоанинг бундай муваффақият қозонишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

19 сентябрь куни Тошкентда давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш бўйича жумҳурият комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси ҳамда мазкур комиссия раиси Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Комиссия мажлисида жумҳурият ҳукумати ҳузурида тузилган атамашунослик қўмитасининг раиси Ғ. Абдураҳмонов қўмита фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда атамашунослик қўмитаси олиб бораётган муайян ишлар таъкидланди. Фаннинг турли соҳалари бўйича 12 бўлим ва 7 секция ташкил этилган. Бўлим ва секцияларнинг раҳбарлари ҳамда аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, нашриётлар, газета ва журналларнинг редакциялари билан алоқа ўрнатган. 1991—1995 йилларда атама луғатларини чоп этиш режалари тузиб чиқилди, баъзи маъмурий-бошқарув идораларининг атамалари ўзбек тилига таржима қилиб берилди. Бундан ташқари, матбуот, радио ва телевидениеда қўлланилаётган турли атамалар тўпланди ва уларнинг бир қисми муҳокамадан ўтказилди.

Бироқ, сўзга чиққан олимлар, адиблар, журналистлар ва бошқа мутахассислар ўзбек тили атамаларини яратиш ва жорий этиш соҳасидаги ишлар ниҳоятда қониқарсиз ва суст бораётганини айтдилар. Матбуот, радио ва телевидениеда бу соҳада бошбошдоқлик ҳукм сураётгани, ўзбек тили булғанаётгани, бунга сира йўл қўйиб бўлмаслиги хусусида асосли эътирозлар билдирилди. Бу борада айниқса тилшунос олимлар ўртасида ҳамон ҳамжиҳатликнинг, фикрлар муштараклигининг йўқлиги ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мажлисда атамашунослик қўмитаси зиммасига ўз ишида кескин бурилиш ясаш, ўзбек тилини ривожлантириш учун астойдил жон куйдирадиган олимларни ва бошқа мутахассисларни ўз атрофига тўплаш, атамаларнинг муқобилларини тезроқ халққа, оммавий ахборот воситаларига етказиш, бу ишдаги камчиликларни иложи борича зудлик билан бартараф этиш вазифаси юкланди.

Комиссия мажлисида Самарқанд вилояти ижроия қўмитасининг давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишга доир ишлари, Ўзбекистон ССР фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти негизида академиянинг мустақил тилшунослик институти ва адабиётшунослик институтини ташкил этишга доир ишлар хусусидаги ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

«Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«НАЗАРБЕКЛИК НАЗИРНИНГ ФИҒОНИ»

Кейинги пайтда жумҳуриятимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш мавзуида матбуотда кўплаб мақолалар босилди. Бироқ манзара яхши томонга жуда секинлик билан ўзгараяпти. Аксарият корхоналарнинг раҳбарлари танқиддан тўғри хулоса чиқаришмаяпти.

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 1990 йил 21 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақола ҳам ана шу мавзуга бағишланган эди. Унда Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Акмал Икромов, Октябрь районларидан чиқаётган ахлатлар дуч келган ерларга тўкилаётганлиги танқид қилинган эди. Халқ депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар бу масалага лоқайд қараётганликлари кўрсатиб ўтилганди. Яқинда ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида босилган «Назарбеклик Назирнинг фиғони» сарлавҳали мақола Тошкент вилоят санитария-эпидемнологик станция ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда келтирилган далиллар тўлиқ тасдиқланди. Дарҳақиқат, бир неча йиллар давомида чиқинди ташишга ихтисослашган 5-, 7-, 11-автокорхоналар ҳайдовчилари томонидан Калинин районнинг хоҳлаган ерига ахлат тўкиб келинган. Буни тақиқлаш хусусида Калинин район озодаликни сақлаш ҳамда юқумли хасталиклардан ҳимоя қилиш идораси юқори ташкилотларга кўп марта мурожаат этган. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига 1986 йилдан буён ўнлаб мактублар йўлланган. Афсуски, билдирилган эътирозлар инобатга олинмаган. Аҳвол эса ўша-ўша — эски ҳаммом, эски тос.

Бизнинг ташкилотимиз томонидан ҳам шаҳар ижроқўмига ушбу масала юзасидан тегишли чора кўриш ҳақида хат йўлланди. Бироқ ҳанузгача тегишли жавоб олинганн йўқ. Калинин район ҳудудига ахлат ташлаш, атроф муҳитни булғаш давом этмоқда.

Тошкент шаҳридаги чиқиндиларни ташишга ихтисослашган корхоналар ўз билганларидан қайтишмаяпти. Калинин район раҳбарлари томонидан кўрилаётган чоралар ҳеч қандай самара бермаяпти. Шу боис ушбу ишга алоқадор материаллар Ўзбекистон ССР прокуратурасига юборилди.

Ф. СТРОМ,
Тошкент вилояти бош давлат санитар врачи.

* * *

ТАҲРИРИЯТДАН: Жавобдан ҳар қандай газетхон қаноатланмаслиги табиий. Беш-олти йилдан буён Тошкент шаҳридан чиқаётган ахлатлар Калинин районн территориясининг дуч келган жойига ташланаётир. Бу қандай ҳол, ахир! Шаҳарбедарвозами! Шу зарур муаммони ҳал қилолмаётган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқларга нима дейиш мумкин!! Зора, республика прокуратурасининг текширувидан сўнг аҳвол ўзгарса. Яхши ният —ёрти мол.

ҚИДИРИШ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 1990 йил 24 август сонида босилган «Осойишталикка ташнамиз» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилганда қуйидагилар аниқланди.

Жорий йилнинг 31 мартига ўтар кечаси Октябрь районининг Охунбобоев номли давлат хўжалигида яшовчи Ш. Алиеванинг уйига номаълум шахслар томонидан жанговар граната ташланган. Натижада портлаш содир бўлган. Уйга 12.324 сўмлик миқдорда моддий зарар етказилган.

Ушбу ҳодиса бўйича 1990 йилнинг 31 март куни район ички ишлар бўлими томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 133-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилган. Жабрланувчи Ш. Алиева гумон қилган шахслардан Узоқов, Гадоев, Давлетов, Тожибоева ҳамда Жабхаровларнинг ушбу жиноятни содир этишда иштирок этганлиги исботланмаганлиги сабабли уларга нисбатан қўзғатилган ишнинг бир қисми ҳаракатдан ётқизилган.

Ушбу иш бўйича жиноят содир қилган шахсларни топиш учун қидирув ишлари олиб борилмоқда.

М. НАИМОВ,
Жиззах вилояти прокурорининг ўринбосари.

«МАВСУМ ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ»

Свердлов районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқаруви ҳамда партия комитети маълум қиладики, «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 1990 йил 21 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақола хўжаликнинг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди. Йиғилишда мақолада хўжалигимиз шаънига билдирилган танқидий мулоҳазалар ўринли деб топилди.

Устахонада механизаторларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилди. Ювиниш хонаси ишга туширилди. Шунингдек, пахта йиғим-теримига қатнашаётган колхозчиларга барча зарур шарт-шароит яратилди. Айни пайтда кузги ҳосилни йиғиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

С. РАЖАБОВ,
Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

Б. ТУЛАЕВ,
партия комитетининг котиби.

АҲВОЛ ЎЗГАРДИ

Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» давлат хўжалигининг Шуманай участкасидаги мавжуд камчиликлар «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 1990 йил 20 июнь сонида босилган «Қўнғиротнинг соғинчи» сарлавҳали мақолада тўғри танқид қилинган. Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети участка меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини ошириш, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан амалий тадбирларни кўрмоқда. Шу йил 7 километр масофага ичимлик сув қувури ётқизилди. Автобус қатнови йўлга қўйилди. 1991—1993 йилларда эса 216 ўринли янги мактаб, замонавий болалар боғчаси, ҳаммом, клуб қурилиши кўзда тутилаяпти. Шунингдек, табиий газ келтириш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам амалий иш қилинаяпти. 100 гектарга яқин боғ ташкил этилди. Аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Томорқалар учун 1.123 гектар ер ажратилди.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети белгиланган тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб бораяпти.

Ш. ЕМБЕРГЕНОВ,
халқ депутатлари Қўнғирот район Совети ижроия комитетининг раиси.

Замондош қиёфасига чизги

АЗИМ ДАРЁ

Бундай олиб қараганда, сўнгги йилларда меҳнатсеварлиги, камтарин-камсуқумлиги, олийжаноб қалби, покиза туйғуси ибратли умр сабоғию ҳаётий тажрибаси билан юртдошларини ром қиладиган, қайси жамоада ким бўлиб ишламасин, эзгуликка йўғрилган хислат-фазилатлари ила эл оғзига тушадиган кишиларга тансиқлик сезилиб қолаётгандек. Лекин турли тоифадаги одамлар ҳаётини, турмуш тарзини чуқурроқ ўргансангиз, улар тутган йўл билан яқиндан таниссангиз, умр дафтарини эринмай варақлаб чиқсангиз, бундай ҳиммати баланд инсонлар борлигига, ҳатто кўпчиликни ташкил этишига гувоҳ бўлиб, шукроналар айтасиз.

Ана шундай мўътабар замондошларимиздан бири Ўрол Абдуалимовдир.

Ўрол ака — чўлқуварлар сардори, катта карвон сарбони. Биласиз: чўл шароитида деҳқончилик қилиб, баракали хирмон бунёд этиш — игна билан қудуқ қазишдек, қиличнинг дамидан сув ичишдек, денгиз тагидан дуру жавоҳир қидиришдек ғоят мушкул, машаққатли иш.

Мана бир неча йилдирки, Ўрол ака Зомин районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» қўриқ совхозига раҳбарлик қилиб келаяпти. Бирон йил йўққи, хўжаликда режа бажарилмай, марра эгалланмай, деҳқонларнинг юзлари ерга қараб қолган бўлсин.

Чўлқуварлар сафига қўшилгунга қадар Ўрол ака жўшқин ҳаётнинг катта қозонида обдон қайнади, пишиди. Меҳнат фаолиятини Зоминнинг собиқ «Янги турмуш» колхозида чўпонликдан бошлаб, кейинчалик ўқитувчи, мактаб илмий бўлим мудири, район партия комитетининг ходими, котиби, узоқ йил эса район халқ назорати комитетининг раиси, чорвачиликка ихтисослашган «Юбилейний» совхозининг директори лавозимларида фаолият кўрсатди. Юқори партия ва совет ташкилотлари уни қайси участкага юбормасин, қай вазифани топширишмасин — ҳаммасини бажонидил бажарди.

Ҳозирги эгаллаб турган лавозимида эса унинг раҳбарлик санъати — салоҳияти, деҳқончилик маданиятини ошириш-даги лаёқати ва истеъдоди бутун қирралари билан намоён бўлди. Ўрол аканинг ўзи эътироф этишича, олдинги меҳнатини тарозининг бир палласига ҳозиргисини иккинчиси палласига қўйса, посанги учма-уч бўлиб турибди. Шукрким, сарфланган меҳнат беиз, бесамар кетмаяпти.

Айрим мисолларни келтириш билан кифояланмоқчимиз. 1986 йилда совхозда пахтадан 4 минг тонна ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 7 минг 938 тоннали хирмон бунёд этилди. Ҳосилдорлик 16 центнердан 24 центнерга кўтарилди. Дон учун экилган маккажўхоридан 4 йил олдин 716 тонна ҳосил етиштирилгани ҳолда бултур бу кўрсаткич 1942 тоннани ташкил этди. Ўтган йиллар мобайнида режадагидан қарийб 10 минг тонна кўп полиз маҳсулотлари тайёрланди. Бошқа тармоқларда ҳам ижобий ўзгаришлар, олға силжишлар содир бўлди.

Энди меҳнат муваффақиятларини даромад нуқтаи назаридан чоғиштириб кўрайлик. Совхоз 1986 йилгача зарар кўриб ишлаган бўлса, 1989 йилни салкам 2 миллион сўм фойда билан якунлади. Тўрт йилда давлатга 30 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Бу — режадагидан 13 миллион сўм кўп, демакдир. Рентабеллик эса 29,1 фоизга етди.

Ана шу рақамлар замирида совхоз ишчиларининг, улар етакчиси Ўрол Абдуалимовнинг кун демай, тун демай чеккан заҳматлари, ёзнинг жазирамасию қишнинг аёзли кунларига бардош бериб сарфлаган беҳисоб меҳнатлари мужассам. Муҳими — даромад ошган сари хўжалик аҳлининг турмуши ўзгариб, яхшиликка юз тутмоқда. Қишлоқ эса бош режа асосида қайта қурилиб, йил сайин обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Бунга чўлқуварларнинг ўзлари гувоҳ.

Зоминликлар Ўрол акани ер илмининг билимдони, дала донишманди, дейишади. Бу таъриф-тавсифда жон бор, албатта. У ўтган йиллар мобайнида деҳқончиликда бой тажриба орттириб, ўзига хос мактаб яратди. Эндиликда уни ҳамюртлари эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиб, «устоз» деб аташади.

Директорни мактаб яратганлардан, дедик. Лекин Ўрол аканинг ўз фалсафаси, қарашлари, ақидаси бор. У «юз йил яшагин-у юз йил ўрган» деган иборани кўп такрорлайди. Назарида деҳқончиликнинг, ер илмининг сир-синоатларини билганларидан кўра билмаганлари кўпроқ.

Совхоз ишчилари якдил эътироф этишларича, Ўрол акадаги кўзга яққол ташланадиган фазилатлардан бири шуки, у ўзи ва ўзгаларга ўта талабчан, масъулиятни тўла ҳис қилади, ғамхўрликни жойига қўя билади.

Устоз жамоани катта оила деб ҳисоблайди. Шу оиланинг қувончу шодлигига шерик, ташвишига ҳамиша ҳамдам, ҳамдард. Совхоз меҳнат аҳлининг бирорта тўй-маъракаси усиз ўтмайди, ҳаммасига бош-қош.

Ўрол ака билан суҳбатлашганингизда, қурашларга тўла умр дафтари билан танишганингизда, унинг ҳурматга лойиқ яна бир фазилатини пайқаб оласиз: ниҳоятда камтар, ўзи ҳақида эмас, кўпроқ совхоз ишчилари ҳусусида фахрланиб ҳикоя қилади.

Хўжалик ташкил топганидан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Турдибек Хидиров, Қўшбоқ Тоштемиров, Жўрабой Абулқосимов, Етмиш Холматов, Асрорхон Ҳодиевни «олтин устунларимиз» деб таърифлайди. Уларнинг ҳар йили гектаридан режадаги 22—23 центнер ўрнига 31—32 центнердан хирмон уюб келаётганликларини, терим тўлиқ механизациялаштирилганлигини таъкидлайди.

Ҳар бир жамоада бўлгани каби Ўрол ака етакчилик қилаётган совхозда ҳам камчиликлар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший соҳаларда ўз ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Шу боис у эътиборимизни анчадан бери ҳал бўлмай келаётган, лекин тилининг учида турган масалаларга қаратади.

— Агар муаммолар ўз ечимини топса, ютуқларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши табиий эди, — дейди директор. — Мана айрим мисоллар. Деҳқонларимиз етиштирган сабзавот маҳсулотларини тайёрлов ташкилотлари вақтида олиб кетмайди. Оқибатда кўплаб сабзавот далада ириб-чириб қолади. Бундан ишчиларимиз қаттиқ норози бўлишмоқда.

Айрим пайтларда тайёрлов ташкилотларига олиб борсангиз, қабул қилишмайди. Бордикелди, ортиш-тушириш пайтида анчагина маҳсулот нобуд бўлади. Ноз-неъматнинг ошиқчасини қайта ишлаб, консерва қилиб, халққа ёз пайтида ҳам, қиш пайтида ҳам етказиб бериш масалалари ҳали бизда ҳал этилмаган. Бу фақат совхозимизда эмас, кўпчилик хўжаликларда ҳам муаммо бўлиб турибди.

Бундан ташқари, машина ва тракторларнинг эҳтиёт қисмлари етишмайди. Базаларда йўқ. Мутахассисларимиз ўз иш жойларида меҳнатни ташкил қилиш ўрнига тақчил буюмларни базама-база излаб, сарсон-саргардон бўлиб, қимматли вақтларини ўтказишаяпти.

Қани энди мана шу эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарадиган заводлар ҳар бир вилоятда ўз савдо базаларини ташкил этиб, хўжаликлардан буюртмалар олиб, вақтида таъминлаб туришса. Ана шунда ишларимиз янада юришиб кетган бўларди.

Директор шу каби муаммолар ечилишига, деҳқончилик маданиятини, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа долзарб вазифалар муваффақиятли адо этилишига умид боғлайди. Ана шу хайрли ҳаракатнинг олдинги сафида бўлишни ўз бурчи деб билади.

Ўрол ака билан қачон мулоқот қилсангиз, унинг орзу-умидлари эзгуликка уланиб кетишининг гувоҳи бўласиз. Зеро, чинакам бахт ҳам умид билан, эзгулик билан ҳамоҳангдир.

...Ана у, ёши бир ерга борib қолган бўлса-да, ҳузур-ҳаловатидан кечиб пайкал оралаб юрибди. Нигоҳи беихтиёр қийғос очилаётган пахталарга қадалади. Чеҳрасида мамнунлик ифодаси. Хаёлида эрта кўкламдан бажарилган юмушлар таҳлилию ҳадемай тиклана-диган улкан хирмон режаси, якунланажак йил сарҳисоби. У азим дарё мисоли доим ҳаракатда, доим қайноқ ҳаёт қўйнида, ризқ-рўз яратаётган замин заҳматкашлари сафида.

Дарвоқе, бугун у юбиляр, қутловлар ёғиладиган кун.

60 ёшингиз муборак бўлсин, сарбон!

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Д. Турдибекова ва Ф. Ҳотамова Булунғур районидаги Ленин номли давлат хўжалиги сут-товар фермасида ишлашади. Дилоромга ҳам, Фаридага ҳам 10 бошдан янги бузоқлаги сигирлар бириктирилган. Говмишлар илғор рацион асосида парвариш қилинаётганлиги туфайли бузоқлар тўйғунча эмдирилиб, белгиланган миқдорда сут ҳам соғилмоқда. Натижада ёш жонворлар дуркун ўсаяпти.

СУРАТДА: Д. Турдибекова (чапда) ва Ф. Ҳотамова. Улар бузоқнинг аҳволидан мамнун.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

СОВХОЗ ПОСЁЛКАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

«Уй-жой-2000» дастури Сирдарё вилоятидаги Руднкий номли совхозда албатта бажарилади. Бу ерда йилига миллион дона ғишт тайёрлайдиган цех ишга туширилди. У хўжаликда яқинда барпо этилган кучли қурилиш бўлими таркибига кирди.

Яқин вақтларгача совхозда йилига нари борса тўққизта уй қуриларди. Энди уй-жой қуриш суръатлари икки баравар, эҳтимол, ҳатто уч баравар ошиши мумкин. Совхоз посёлкалари катта қурилиш майдончасига айланди. Ҳозир бу ерда тез суръатлар билан Ўрта мактаб, ҳаммом, чойхона, бир нечта дала шийпони қурилмоқда. Хуллас, яқиндагина 40 йиллигини нишонлаган хўжалик тобора чирой очиб бормоқда.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ҲАМ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Амударё районидаги Партия XXII съезди номли колхозда ёш оналарнинг бутун бошли бир отряди пахта ҳосилини теришда қатнашиш имконига эга бўлди. «Оқ олтин» теримидан тушадиган даромад билан онла бюджетини тўлдиришда уларга терим мавсуми арафасида яна бир болалар боғчасини қуриб битказган 305-механизациялашган кўчма колонна жамоаси ёрдам берди. Энди хўжаликда ўз маблағларига қурилган тўртта болалар мактабгача тарбия муассаси бор.

(ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

16 сентябрдан 17 сентябрга ўтар кечаси Тбилисида рухсат этилмаган митингдан сўнг жумбишга келган оломон Грузия Давлат хавфсизлиги комитети биносига ҳужум қилди. 100 га яқин киши бинога бостириб кириб, металл таёқлар, темир қувурларнинг бўлаклари, темир парчалари билан ойналарни, мебелларни, телефон аппаратларини синдиришди. Ҳужум қилувчиларнинг бир қисми тергов бўлими хонасига кириб, бир қанча ҳужжатларни, видеоаппаратларни, ходимларнинг шахсий буюмларини ўғирлаб кетди.

Комитет ходимларининг бинодаги кичик гуруҳи инсонпарварлик мулоҳазалари билан босқинчиларга қарши қуролни ишлатмади.

Ҳужум қилувчилар Грузия Давлат хавфсизлиги комитети ўзини ўзи тарқатиб юборсин, Адиген район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосарини ўлдиришда шубҳа қилиб ушланган бир киши озод қилинсин, деган талабни қўйдилар. Улар акс ҳолда янги бедодликлар, жумладан, ходимлардан жисмоний ўч олиш билан чўчитдилар. Бироз вақт ўтгандан сўнг босқинчилар бинодан чиқиб кетишди. Грузия Давлат хавфсизлиги комитети теварагида кескин вазият сақланиб турибди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳаъати Грузия Давлат хавфсизлиги комитетига нисбатан ваҳшиёна ҳаракатлардан ғоят ғазабланганлигини билдиради ва қуйидагиларни айтишни зарур, деб ҳисоблайди.

Грузия Давлат хавфсизлиги комитети биносига ҳужум — давлат хавфсизлиги органларига қарши ашаддий кампаниянинг экстремистик кўринишидир. Бу кампаниянинг Давлат хавфсизлиги комитетини қисқартириш, уни парчалаб юбориш ва ҳатто тугатиш мақсади Ғарбдаги айрим махсус хизмат маҳкамалари олиб бораётган тарғиботга объектив равишда қўшилиб кетмоқда, ғайриқонуний фаолиятни амалга оширишга чамаси Давлат хавфсизлиги комитети халақит бераётган кучлар ана шу мақсадни афкор оммага зўр бериб тиқиштирмоқда. Давлат хавфсизлиги комитети уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлаб, бу ишда дастлабки сезиларли натижаларга эришгандан кейин унга хуружлар кучайганлиги ҳам тасодифий эмас.

Давлат хавфсизлиги комитети органларига қарши кампания комитет ходимларига маънавий тазйиқ ўтказишга, улардан жисмоний ўч олиш билан дўқ қилишга, Болтиқбўйида, Украинанинг ғарбий вилоятларида ва баъзи бошқа районларда бўлгани каби ҳудудий органлар биноларини қуршаб олиш ҳолларига айланиб кетмоқда.

Давлат хавфсизлиги комитети ўзини танқиддан холи деб билмайди, демократик жамиятда танқид давлат тузилмалари ишини такомиллаштиришга кўмаклашади, деб ҳисоблайди. Бироқ демократиялаш ва ошкоралик ниқоби остида СССР Давлат хавфсизлиги комитетини обрўсизлантиришга уринишлар, энди эса ҳаракатлар умуман мамлакат хавфсизлиги системасига зарар етказади.

Жамоатчиликнинг айрим қисми учун хотиржамлик ва тотувлик характерли бўлишига қарамай, шуни айтиш керакки, объектив воқелик чет эллардаги махсус хизмат маҳкамаларининг мамлакатимизга қарши разведка ишлари кучайганлигидан далолат бермоқда. Совет Иттифоқи ўзининг жаҳондаги алоқаларини кенгайтирган сайин разведкалар бизнинг сиёсий ва иқтисодий сирларимизни билиш учун янги йўлларни қидирмоқда. Мамлакатда уюшган жиноятчилик кучайиб бормоқда. Иқтисодий соҳада оғир жиноятлар содир этилмоқда. Бинобарин, ўз-ўзидан хулоса келиб чиқади: бундай шароитда Давлат хавфсизлиги комитетига ҳужум қилаётганлар мамлакатда вазиятни барқарор этиш ишига хизмат қилаётганлари йўқ.

Давлат хавфсизлиги органларига қарши кампанияни авж олдириш учун 30-, 40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида Ички ишлар халқ комиссарлиги — Давлат хавфсизлиги министрлиги қонунийликни бузганлиги учун жавобгарликни беихтиёр ҳозирги Давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклашдан фойдаланилмоқда. Давлат хавфсизлиги органлари фаолиятидаги фожиали ўтмишга узил-кесил хотима берилган, унга қайтиш мумкин эмас. Бунинг кафолатларидан бири Сталин қатағони йилларида ҳалок бўлган йигирма мингдан ортиқ чекистнинг ҳаётидир.

Мамлакатдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида бўяб кўрсатилмаган, чинакам ахборотга эга бўлган чекистлар жамиятимизда қатъий ўзгаришлар қилиш зарурлигини кўпгина бошқа одамлардан олдинроқ тушуниб етганликларини ҳамма ҳам билавермайди. Айни шу сабабли улар қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик ғояларини самимий қабул қилдилар. Қайта қуриш бизо учун барча йўналишларда, энг аввало разведкада, контрразведкада, чегараларни қўриқлашда, уюшган жиноятчиликка, контрабандага, қорадорифурушликка ва терроризмга қарши курашда иш самарадорлигини оширишдир. Бу совет конституцион тузумининг ишончли ҳимоясидир, совет фуқароси ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Бу комитет барча бўлинмалари фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлашдир. Ҳуқуқий жамиятда давлат хавфсизлиги комитети органлари тўғрисида ошкора қонун бўлиши керак. Биз бундай қонун тезроқ қабул қилиниши учун ҳаракат қиляпмиз.

Ҳозирги пайтда давлат хавфсизлиги органларининг ходимлари қайта қуришга кўмаклашишни, кўп миллатли Совет давлатининг яшаши негизларига хавф солувчи салбий ҳодисаларга қарши фаол курашишни ўзларининг бурчи деб биладилар.

Совет чекистлари шунга аминдирларки, ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишда улар ҳамиша халқ билан бирга бўладилар, халқнинг фаол мададига таянадилар, бундай мададсиз Давлат хавфсизлиги комитетининг фаолияти муваффақиятли бўлмайди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

СОФИЯ. (ТАСС). Софияга қисқа амалий ташриф буюрган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби Г. И. Янаев Болгария Социалистик партияси Олий Кенгашининг раиси А. Лилов билан учрашди.

Бугунги кунда КПСС билан БСП ҳал этаётган жамият сиёсий ва иқтисодий тузилмаларини тубдан янгилаш муаммолари хусусида фикр ва ахборот алмашилди. Демократик социализм ғояларини назарий ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан бир-бирининг тажрибасини ўзаро асосда муттасил равишда муҳокама қилиб туришдан икки томонлама манфаатдорлик тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Болгария Социалистик партиясининг очиладиган навбатдаги съездига муваффақият тилаб, совет коммунистлари унинг ишини самимий манфаатдорлик билан кузатиб боришларини таъкидлади. Улар бу съезд ҳозирги вақтда Болгария тақдири учун мамлакатда инсонпарвар, демократик, адолатли жамият барпо этиш учун қай даражада муҳим эканлигини тушунадилар.

Учрашув самимийлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ҚИТЪАЛАР

ОША

● СОФИЯ. Болгария пойтахтида Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар ҳукуматлари вакилларининг муваққат комиссияси мажлиси ниҳоясига етди.

БТА агентлигининг хабар қилишича, болгар делегациясининг вакили Нейчо Нейчев кенгаш натижаларига ижобий баҳо берди. Унинг сўзларига қараганда, қутилганидан ҳам ортиқ натижаларга эришилган ва делегатлар келган вақтларига нисбатан анча кўп умидбахш кайфият билан Софиядан жўнаб кетганлар. Болгария вакили мажлис амалий руҳда ўтганлигини ва унинг барча қатнашчилари мавжуд муаммоларни ҳал этишга интилганликларини таъкидлади.

* * *

Андрей Луканов Болгария Халқ Жумҳурияти Вазирлар Кенгашининг раиси этиб сайланди. Парламентда кечқурун яширин овоз бериш маросими бўлди, унинг натижалари эса ярим тундан кейингина маълум бўлди. Овоз беришда қатнашган буюк халқ мажлиси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи Болгария Социалистик партиясининг обрўли вакилига овоз берди. БСП мамлакат давлат олий ҳокимият органида 52 фоиздан кўпроқ депутат ўрнига эга.

● БЕЛГРАД. Косоводаги албан аҳолисининг кўпчилигини бирлаштириб турган барча гуруҳлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Европа парламентига хат юбордилар. Унда Косовонинг тарқатиб юборилган скупшчинаси (парламенти) депутатларини ҳимоя қилиш ва ушбу мухтор ўлка муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш илтимос қилинади.

ТАНОГ агентлигининг хабар қилишича, хатда конституцион декларация деб аталмиш қужжат эълон қилиниши натижасида Сербия коммунистик ҳукумати Косово скупшчинаси ва ҳукуматини вақтинча ҳокимиятдан четлатиб қўйганлиги таъкидланади. Ушбу декларация мазкур мухтор ўлкани Югославиянинг жумҳуриятлари билан ҳуқуқларини тенглаштиради, дейилади. Агентлик хатдан кўчирмалар келтирар экан, бу депутатлар 7 сентябрь куни «махсус мажлисда Косово конституциясини қабул қилганликларини, унда мухтор ўлка Югославия доирасида жумҳурият деб эълон этилганини» ёзади.

Сербия ҳукумати, дейишмоқда албан «муқобилларининг» раҳбарлари, ғайриконституцион ва ғайриқонуний йўл тутиб, Косово скупшчинаси депутатларини қамоққа олдини ҳамда уларнинг оилаларини камситдилар. «Европада» демократик ҳукумат сифатида тақдим этилаётган жаноб Марковичнинг иттифоқ раҳбарияти ҳам бу хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлади», дейилади ушбу хатда.

● ВАШИНГТОН. АҚШ давлат департаменти Ироқ ҳукуматининг мамлакатдаги Америка ва бошқа ҳорижий мамлакатлар маблағларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйишга қарор қилганлигини қоралади. Давлат департаменти расмий вакиласи Маргарет Татуайлернинг айтишича, Ироқликлар чет эл ҳукуматлари, муассасалари, компаниялари ва банкларининг Ироқдаги маблағ, мол-мулкларини мусодара қилиш ниятидадирлар. Ироқликларнинг фикрига қараганда улар «Ироққа қарши ўзларича қарор қабул қилганлар».

● ИСЛОМОБОД. Покистон пойтахтида 1990—1991 йилларда Покистон билан Совет Иттифоқи ўртасида маданий ва илмий соҳаларда алмашув бўйича катта дастур имзоланди.

Дастурда концерт гуруҳлари, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчилар, икки мамлакат тилшуносларининг ўзаро ташрифлари, телевидение ва радиоэшиттиришларини, икки мамлакат ҳаётига бағишланган кўргазмаларни ва бошқа кўп нарсаларни алмаштириш назарда тутилади. Дастурда Покистон билан Совет Ўрта Осиёси жумҳуриятлари ўртасидаги бевосита алоқаларни йўлга қўйишга катта эътибор берилади. Унда мўлжалланган режаларни рўёбга чиқаришнинг пишиқ-пухта воситалари ҳам назарда тутилган. Мазкур дастур ўтган йиллардагига нисбатан анча кенгайтирилган.

(ТАСС).

БМТ СЕССИЯСИДА

БМТ. (ТАСС мухбири Михаил КОЧЕТКОВ). Чоршанба куни БМТ бош комитетида бош ассамблея 45-сессиясининг дастлабки кун тартиби муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Кун тартибига давримизнинг амалда барча муаммоларини қамраб олувчи масалалар — тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролларни қисқартириш, маҳаллий можароларни бартараф этиш ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва экология фалокатининг олдини олиш масалалари сингари 153 та банд киритилган.

Мажлисда Қувайтнинг илтимосига биноан: «Ироқ босқинчилиги ва Қувайтни истило қилиш давом этаётганлиги БМТ уставининг қўпол равишда бузилиши», — деган банд киритилди. Қувайт ҳукумати кун тартибидаги ушбу бандни энг муҳим масалаларнинг биринчиси сифатида муҳокама қилишга чақирди. Бош комитет уни бош ассамблеянинг ялпи мажлисида муҳокама қилишни тавсия этди.

Дастлабки кун тартибида барча ядро синовларини тўхтатиш, ядро қуролидан ҳоли зоналарни вужудга келтириш, коинотда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, кимёвий қуролларни тақиқлаш сингари муҳим мавзуларга катта ўрин берилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти масаласини муҳокама қилиш таклиф этилмоқда.

СОВЕТ БОЛАЛАРИГА КЎМАК

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Александр КОРОЛЕВ). СССРдаги юз минглаб болаларга тўлақонли ҳаётга эга бўлишда ёрдам бериш керак — Совет тинчлик жамғармаси билан бош суяги— юзи лат еган болаларга ёрдам берувчи Америка жамғармасининг биргаликдаги ташаббусидан кўзда тутилган олижаноб мақсад ана шундан иборат. Мазкур икки ташкилот номидаги тафовутларга қарамай, уларни ҳаётининг дастлабки дақиқаларидаёқ тақдир тақозоси билан «жирканч ўрдак боласи» қиёфасига тушиб қолганларга иккинчи ҳаётни бағишлашга интилиш муддаоси бирлаштириб туради.

Ҳозир тиббиёт илми майиб —мажруҳ болаларни азоб-уқубатлардан қутқаришга имконият яратди. Америкалик жарроҳлар туркум операциялар йўли билан боланинг на фақат инсон қиёфасини тиклайдилар, айни вақтда унга ота-онаси чизгиларини ҳам бахш этадилар.

«Қўшма Штатларда жарроҳлар аралашуви билан туғма мажруҳларни тузатиш борасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Ҳар йили 450 мингтага яқин болага ёрдам берилмоқда, — деб таъкидлади СССР элчихонасида ўтказилган журналистлар билан учрашувда бош суяги— юзи лат еган болаларга ёрдам жамғармасининг президенти Мэрси Рожерс. — Бу ниҳоятда мураккаб ва оғир жараён. Баъзида керакли натижага эришиш учун 18—20 тагача операция қилиш зарур. Бинобарин, бундай операцияларнинг ҳар бири мамлакатимизда тахминан 45 минг доллар туради. Бунга ҳамманинг ҳам қўрби етавермайди, жамғармамиз эса бу ўринда уларга катта ёрдам кўрсатади».

«Ушбу муаммо Совет Иттифоқида ҳам ниҳоятда кескин тус олган, —деб таъкидлади ТАСС мухбири билан суҳбатда жамғарма фахрий президенти, америкалик машҳур хонанда ва актриса Шерр. — Совет мутахассисларининг илтимосларига кўра улар билан шу соҳада тўпланган тажрибани ўртоқлашишга қарор қилдик. Ишлаб чиқилган режаларга биноан, СССРда бош суяги— юзи жароҳатланганларни даволайдиган 15 та марказ очилиши керак. Жамғармамиз совет мутахассисларини тайёрлашда, касалхоналарга зарур ускуналар беришда ҳам ёрдам кўрсатади».

Шу йилнинг бошларида америкалик жарроҳлар Москвада бўлишганди. Улар Америка Қўшма Штатларида операция қилинадиган бир неча болани танлаб олишганди. Лекин, яқин орада бу ишни совет мутахассислари бажарадилар. Мутахассислардан икки киши Америка Қўшма Штатларида иш ўрганиб, зарур кўникмаларни ҳосил қилмоқда.

ЯРУЗЕЛЬСКИЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚДА

ВАРШАВА. (ТАСС мухбири Александр ПОТЕМКИН). **Польша жумҳурияти президенти В. Ярузельский жамиятдаги кераксиз эҳтиросларнинг олдини олиш, шунингдек давлат фаолиятида демократияни ривожлантиришга интилишга асосланган ҳолда парламентга мурожаат этиб, унинг президентлик ваколати амал қилиш муддатини конституцион тартибда қисқартиришни илтимос қилди. В. Ярузельский Польша сеймининг маршали М. Козакевичга юборган хатида шу ҳақда айтилган.**

Польша давлатининг бошлиғи парламентга мурожаат этиб, ялпи сайлов натижасида сайланган мамлакат президентига ўзи эгаллаб турган лавозимни топшириши мумкин бўлсин учун ўз ваколатларини тўхтатиш муддатини шу тариқа белгилаб беришни илтимос қилди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, хатга бўлажак сайлов масаласи юзасидан қонун чиқариш ташаббуси тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси илова қилинган.

ҲАРБИЙ БЮДЖЕТ МАЪҚУЛЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Андрей ФЕДЯШИН). АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси мамлакатда 1 октябрь куни бошланадиган 1991 молия йили учун мўлжалланган ўзининг мамлакат ҳарбий бюджети вариантини кўпчилик — 256 та овоз билан маъқуллади. Унга конгресс аъзоларининг 155 нафари қарши овоз берди. Қонун лойиҳасига мувофиқ Пентагонга 283 миллиард доллар ажратиш мўлжалланмоқда. Бу маъмурият сўраганига нисбатан 24 миллиард доллар кам демакдир. Худди шу нарса конгресс қўйи палатасини Оқ уй билан бевосита тўқнашишга олиб келади.

Қонун лойиҳасида маъмурият «самовий урушлар» дастурига сўраган маблағлар бир йўла 2,4 миллиард доллар кескин қисқартириб юборилади. Унда, шунингдек, Б-2 деб аталган энг янги қирувчи самолётларни ишлаб чиқаришни тўла тўхтатиш назарда тутилади. Бу авиация тарихида қачонлардир яратилган барча машиналардан ҳам жуда қиммат турадиган қирувчи самолётдир. «Стелс» технологияси бўйича қурилган битта Б-2 самолётининг нархи 869 миллион доллардир.

Конгресс қуйи палатаси қонун лойиҳасига АҚШ қуролли кучлари сонини 1991 молия йилида 129 минг 500 кишига қисқартириш тўғрисида тузатиш киритди. Бу ҳарбий ҳаражатлар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг сенат вариантида таклиф этилганидан қарийб 30 минг нафар, шу йилнинг январида Президент Буш таклиф этган қисқартиришлардан уч баравар кўп демакдир.

Пентагон бюджетининг илгари тасдиқланган сенат варианти билан вакиллар палатаси варианти ўртасида 6 миллиард доллар фарқ борлиги ҳисобга олинса, иккала қонун лойиҳаси эндиликда ўзаро мақбул вариантни ишлаб чиқиш учун конгрессининг келиштирувчи комитетида муҳокама қилиниши керак.

Бироқ президент Буш бюджетда вакиллар палатаси маъқуллаган қисқартиришлар сақланиб қоладиган бўлса, у бюджетни тўхтатиб қўяман, деб пўписа қилди.

Ҳар ҳафта шанба сонида

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ

Бир шикоятга олинган сохта жавоблар хусусида

Бай-бай, мунча тутатдинг, жиян? Сал эви билан-да. Жонингда қасдинг борми? Ташла-е, шу попирискангни! И-и, полга эмас. Ана, кулдон... Бу бошқа гап. Ҳали ёшсан, ичингни қурумга тўлдиришдан не фойда? Ма, чойдан ич. Чанқовни босади. Нега афтингни буриштирасан? Тамаки тақчил бўлса, мен айбдорманми? Ғатғат қилган карнайчи-ю балога қолган сурнайчи эканда. Не-не «улуғ»ларимиз бу жумбоқни ечолмай гарангу, сен билан менга ўхшаган фақирларга йўл бўлсин. Шунақа, жиян. Қайта қуриш қурбонсиз бўлмайди. Сабр қилиш керак. Сабрнинг таги сариқ олтин. Лаббай? Ҳе, ваҳимангни қара-ю. Эски шаҳардаги чайқов бозорини кўрганмисан? Сигаретнинг сараси ўша ерда: «Стюардесса», «Ту-134», «Опал», «Конинот»... Марҳамат, танлаб олавер. Донаси 3 сўмдан. Илло гап орамизда қолсин. Тағин оғзингдан гуллаб юрма. Нимага десанг, деворнинг ҳам қулоғи бор. Эҳтиёткорлик яхши-да: панд емайсан. Оббо, шошмасанг-чи! Ҳали ҳаммасини айтганим йўқ. Сен қанақасидан чекасан ўзи? «Родопи»ми? Ундай бўлса, 59 автобусга ўтириб, шу кўчанинг охиригача бор. «Родопи» — 5 сўм, арақ — 15 сўм. Қиммат дейсанми? Албатта, қиммат бўлади-да! Бу ер сенга аммангнинг дўкони эмас. Топилганига шукр қилсангчи! Бўйни узун, бўйни қисқа шишаларни сувга ташлаб, музделкина қилиб қўйишибди. Ярим тунда борсанг ҳам қуруқ қайтмайсан. Пулни қизғанмасанг, бас. Ўзи шу кунда чайқовчию олибсотарнинг куни туққан. Уларнинг мушугини пишт дейдиган валломат қаерда. Энди буёғини эшит.

Қайта қуриш, ошқоралик шарофати билан одамлар эркин нафас олишаяпти, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишаяпти. Бундан хурсанд бўлиш керак, албатта. Рўзномамизга келаётган хатларнинг аксарияти арз-шикоятлар ташкил этади. Уларни ўқиб, бугунги қишлоқ кишисининг юрак уришини, ўй-ташвишларини, дард-ҳасратларини илғаб олиш қийин эмас. Самарқанд районидаги С. Айний номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи М. Маматқулова шахсий уй қуриш учун жамғарма банкидан ссуда (қарз) ололмай сарсон бўлаётганини ёзиб, шу масалада ёрдам беришимизни сўраганди. Биз унинг шикоятини текшириш ва тадбир белгилаш учун халқ депутатлари район Совети ижроия комитетига йўлладик. Мана, ижроқўм раиси Р. Ҳакимова имзо чеккан 00—200-рақамли жавоб хати. Ўзинг ўқиб кўр:

«Самарқанд ноҳия ижроия қўмитаси маълум қиладиким, С. Айний номли хўжаликда истиқомат қилувчи Маматқулова Малоҳатнинг ёзган шикоят хати бориб текширилганда қуйидагилар аниқланди: ҳақиқатан ҳам Маматқулова давлатдан 1989 йилда уй-жой қуриш учун 5 минг сўм ссуда олган, аммо янги қураётган уй-жойи чала эканлиги, пол, паталоги, эшик-деразалари йўқлиги ва томи шифер эмаслигини ҳисобга олиб, яна қўшимча 10000 (ўн минг) сўм миқдорида ссуда бериш таъминланди. Текшириш натижасидан аризачи қаноатланди».

Офарин! Элга, одамларга қайишиш бундоқ бўпти-да. Ҳиммат, яхшилик ерда қолмайди. Қисқаси, жавоб бизни мамнун қилди. Ҳар бир хат ортида тирик инсон бор. Унинг дардига малҳам бўлолсак, мушкулини осон қилолсак, намли кўзларидан қатра ёшни аритолсак — биз учун шунинг ўзи кифоя. Бошқа муддаомиз йўқ. Шикоят ва унга олинган жавоб асосида «Арз ва қарз» сарлавҳали мақола тайёрланиб, рўзноманинг 7 август сонида чоп этилди.

Биласан, қош қўяман деб, кўз чиқаришдан ёмони йўқ. Орадан бирор ҳафта ўтиб-ўтмай М. Маматқуловадан зардали хат келди.

«Ҳурматли редакция! Хатимга эътибор билан қараганларингиз учун сизларга катта раҳмат. Ҳозирги пайтда ҳамма нарса ўз номи билан аталиши керак. Мақолани нимага асосланиб ёздингизлар? Жавоб қип-қизил ёлғон-ку! Мени алдашгани, сарсон-саргардон қилишгани етмаганидек, бир энлик қоғоз билан сизларни ҳам чалғитишибди-я. Очиғи, ссуда олишдан умидимни уздим. Дардингни тушунадиган одам бўлмагандан кейин илож қанча. Идорама-идора югуравериб, товонларим қаварди. Уйимиз чала, поли қоқилмаган, эшик-деразалари йўқ. Қиличини яланғочлаб қиш келаяпти. Бунақада учта болам билан кўчада қолмасам, деб қўрқаман. Охирги марта райижроком раиси Р. Ҳакимова қабулида бўлдим. У: «Сизга бошқа қарз беролмаймиз. Қаерга бориб арз қилсангиз қилаверинг», деб чиқариб юборди. Редакцияга йўллаган жавобини ўқиб, ёқамни ушладим. Ажабо, унинг қайси гапига ишониш керак?!»

Шикоят кишини ўйга толдиради. Аёлнинг даъвоси ўринлими? Мана, қўлимизда райижроком томонидан йўлланган 00—206-рақамли иккинчи жавоб мактуби. Уни олдингисига солиштириб кўрдик: мазмунан бир-бирига зид. Ваҳоланки, иккаласига ҳам бир киши — Р. Ҳакимова имзо чеккан. Коса тагидаги нимкосани сезаяпсанми, жиян? Сенга тушунарли бўлиши учун кейинги жавобни ҳам тўлиқ, ўзгаришсиз келтираман:

«Дарҳақиқат, аризачи Маматқулова М. 1988 йили район Совети ижроия комитетига давлат томонидан бериладиган узоқ муддатли ссудадан 2 (икки) минг сўм олишга ёрдам беришни сўраб ариза ёзган. Бу аризаси ижобий ҳал этилиб, унга оилавий аҳволни ҳисобга олиб 5 (беш) минг сўм миқдорида 1989 йил давомида ажратилган. Аризачи олинган пулни иморат учун ҳаражат қилган. Лекин уйи тўласича битказилмаган. Шуни ҳисобга олиб яна қўшимча пул ажратишни сўраб район жамғарма банкига мурожаат қилган. Маматқулованинг 70 сўм миқдорида нафақа олиши ҳамда олинган қарз ссудани қайтариб беришга қурби етмаслиги ва унинг ота-онасини ссуда беришга қаршилигини ҳисобга олиб яна қўшимча пул ажратиш рад этилган.

Лекин Маматқулова М. яна юқори партия ва Совет ташкилотларига мурожаат этиб қўшимча ссуда беришни талаб этмоқда. Шуларни ҳисобга олиб унга қўшимча ссуда ажратиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш топширилди. Керакли қонуний ҳужжатлар тайёрланган кейин эса унга яна қўшимча ссуда ажратилади».

Ана холос! Бу ёғи қандоқ бўлди? Аввалги жавобда М. Маматқуловага «10 минг сўм миқдорида ссуда (қарз) бериш таъминланган, унинг текшириш якунидан қаноатланган» маълум қилинганди, кейингисида эса тоғдан... «керакли қонуний ҳужжатлар тайёрланган кейин унга қўшимча ссуда ажратилади», деб уқтирилади. Бундан ортиқ тутуруқсизлик, кўзбўямачилик бўладими? Ёлғон ҳам эви билан-да! Ўйнасанг ҳам ўйлаб гапир. Ҳозир замон ҳам, талаб ҳам бошқа. Советларнинг мавқеи бир эмас, икки терак бўйи ошди. Бу юмшоқ курсиларни эгаллаб турган раҳбарларни ҳушёр тортти-риш керак. Сув бошидан лойқаландими, одамларнинг ихлоси, эътиқодига путур етди, деявер. Бундан худонинг ўзи асрасин, жиян!

Пировардида ўртоқ Ҳакимованинг яна бир даъвосига эътиборингни қаратмоқчиман. У ўз жавобида «Маматқулова М. 70 сўм миқдорида нафақа олиши, ссудани қайтаришга қурби етмаслиги»ни рўкач қилади. Эҳтимол, муҳтарама раиса ҳуқуқий жиҳатдан ҳақдир. Агар шундай бўлса, арзгўйга бор гапни ётиғи билан тушунтириш, унга ички имкониятлар ҳисобидан амалий ёрдам кўрсатиш мумкин эдику. Сохта жавоб йўллаш кимга ва нима учун керак?!

Шунақа гаплар, жиян. Яхши отга қамчи керакмас. Ёмонига эса... Ие, тушлик пайти ҳам тугаб қолибди-ку. Хўп, мен борай. Омон бўл. Оббо, яна тутataяпсанми? Ташла, шу попирискангни! Пуф, пуф-э...

Н. ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ТУТУРУҚСИЗЛИК

Ҳурматли Деҳқонбува! Қорни тўқнинг қорни оч билан иши йўқ, деган гап тўғри. Эҳтимол, бошқа жойларда қайта қуриш шамоли эсиб, турмуш тарзи ўзгараётгандир. Аммо бизнинг Деҳқонобод районида аҳвол ўша-ўша. Кишиларнинг арз-доди, ҳақли талаблари инобатга олинмаяпти. Узоққа бормайлик. Мамансой қишлоғида 9 хўжалик, 75 жон истиқомат қилади. Гап аҳоли сонида эмас, балки эътиборсизлик ва лоқайдликда. Қишлоқни электрлаштириш беш йилдан бери асоссиз чўзиб келинаяпти. Одамлар радио тинглаш, телевизор томоша қилиш имкониятидан маҳрум. Ўзингиз ўйланг: 150 метр наридан электр симлари ўтган бўлсаю биз қора чироқда ўтирсак, шу ҳам инсофданми? Ҳаммадан ҳам болаларга қийин. Дарс тайёрлаш, китоб мутолаа қилиш учун шароит йўқ. Ибн Сино номли давлат хўжалиги раҳбарларига буни тушунтириб кўринг-чи? Уларга гап уқтириш туянинг қулоғига танбур чертиш билан баробар.

Муаммони ҳал этишда ёрдам сўраб, не-не идораларнинг эшигини қоқмадик. Натижа чиқмаяпти. Эшитганимиз — ваъда. Шу йил бошларида район электр тармоқлари корхонаси бошлиғи ўринбосари қишлоқ хонадонларини электрлаштириш юзасидан лойиҳа тайёрланаётганлиги, ҳадемай бу ишга киришилишини маълум қилганди. Бари ёлғон экан. Орадан етти ой ўтгач, корхона бошлиғи Х. Тўлбоевдан: «лойиҳа келмади», деган мазмунда жавоб олдик. Ажабо, тутуруқсизлик ҳам шунчалик бўладими? Кимга ишонайлик?!

Қадрли Деҳқонбува! Сизга сўнгги илтимосимиз. Эшитишимизга қараганда, пойтахт дўконларидан қора чироқ топса бўларми. Агар малол келмаса, ана шу матоҳдан 10—15 та олиб жўнатсангиз. Чунки қиличини қайраб қиш келаяпти. Ўз ғамимизни ўзимиз емасак, раҳбарларимиз ҳали-бери пинак бузишадиганга ўхшамайди. Нима дедингиз?

М. АМИНОВ, Ҳ. МАЛИКОВ, Ш. НАЗАРОВ ва бошқалар (Жами 19 та имзо).

Панжаки
Ҳоҳ
Ҳ. Ҳ. Ҳ.
Ҳ. Ҳ. Ҳ.
Ҳ. Ҳ. Ҳ.